
ВИЛОЯТИМИЗ ВАКИЛЛАРИ БОКС БЎЙИЧА ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИДА 7 ТА МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТИШДИ

Кеча, 14 декабрь куни Тошкентдаги «Универсал» спорт саройида бокс бўйича эркаклар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионати якунига етди. 13 вазн тоифасида кечган жанглarda Олимпиада иштирокчилари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари совриндорлари ҳам қатнашишди.

Ўзбекистон чемпионати-2021 ғолиб ва совриндорлари қаторидан 7 нафар вилоятимиз боксчилари ўрин олишди.

92 кг вазн тоифасидаги финалда фарғоналик Жамшид Абдуллаев тажрибали рақиби Жавоҳир Тоғаймуродовни мағлуб этди ва кетма кет учинчи йил мамлакат чемпионлигини қўлга киритди.

48 кг вазн тоифасидаги финалга қадар етиб борган Шодиёржон Мелиқўзиев ҳал қилувчи беллашувда Асилбек Жалиловга имкониятни бой бериб, кумуш медаль соҳибига айланди.

Вилоятимиз вакилларида Омадёр Қодиров (48 кг), Содирбек Камолмирзаев (54 кг), Мирзабек Мирзаҳалилов (57 кг), Билолбек Мирзараҳимов (67 кг) ва Нодирбек Пиримбердиевлар (86 кг) чемпионатнинг бронза медалларини қўлга киритдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-16 09:22:11